



## КРЕДИТЛАР УЧУН ЗАХИРА АЖРАТМАЛАРИ МИҚДОРИНИ КАМАЙТИРИШ – БАНКЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

*Салим Тогаев,*

*PhD, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали  
“Бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва молия” кафедраси доц. в.б.,  
Самарқанд, Ўзбекистон. Email: [sts-bank@bk.ru](mailto:sts-bank@bk.ru),  
<https://orcid.org/>: 0000-0002-3170-9181*

## REDUCTION OF RESERVE PROVISIONS FOR LOANS - AS A FACTOR OF ENSURING THE FINANCIAL STABILITY OF BANKS

*Salim Togayev,*

*PhD, Associate professor, Department of "Accounting, taxation and finance" of the Samarkand  
branch of the Tashkent State University of Economics  
Samarkand, Uzbekistan. Email: [sts-bank@bk.ru](mailto:sts-bank@bk.ru),  
<https://orcid.org/>: 0000-0002-3170-9181*

### **JEL Classification:** E5, E58

**Аннотация.** Мақолада республика тијорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолардан бири - кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорини камайтириши, муаммоли кредитлар ва уларнинг амалдаги ҳолати таҳтил қилинган ҳамда уларни камайтириши борасидаги илмий-амалий тавсиялар ва хуносалар шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да банк тизимини ислоҳ қилишини чуқурлаштириши ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашиш дараҷасини ошириши ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мамлакат банк тизимини ривожлантиришинг устувор ўйнашилари сифатида таъкидлаб ўтилган[8].

Ўзбекистонда тијорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. Бунинг учун мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясида «банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиши, банкларнинг самарали кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқарши сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажсларининг мўътадил молиявий таваккалчиликларни баҳолашиб учун технологик ечимларни татбиқ этиши»[2] сингари вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларни бажаришда тијорат банклар фаолиятида таваккалчиликни баҳолашиб олиши, муддати ўтган кредитлар салмоғини камайтириши банк тизимини ривожлантириши борасидаги амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар сифатида эътироф этилган.

Бугунги кунда жаҳон шиддат билан ривожланиб бормоқда, янги техника ва инновацион технологиялар яратилмоқда. Шуни эътиборга олган ҳолда, банк янги миқозларни жалб қилишида, янги

тармоқларга кириб боршида ва уларни эгаллаша кредитлаш жараёнини асосий омил сифатида кўради. Банк, иқтисодиётнинг реал сектори ва барча мижозлари учун қулай кредитлаш майдончаси сифатида ўрин эгаллаши лозим[11].

Айни вақтда, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Хусусан, тижорат банкларида активларнинг рентабеллик даражасини паст эканлиги, банклар кредит портфелининг сифатини паст эканлиги, кредитлар учун захира ажратмалари миқдорининг ошиб кетганилиги бу борадаги долзарб муаммолар ҳисобланади.

**Abstract.** In the article, one of the problems of ensuring the financial stability of the republic's commercial banks is to reduce the amount of reserve allocations intended to compensate for losses from loans, problem loans and their current situation are analyzed, and scientific and practical recommendations and conclusions are formulated to reduce them.

In the "Action Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan", approved by Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PD-4947 dated February 7, 2017, deepening the reform of the banking system and ensuring its stability, increasing the level of capitalization of banks and strengthening the financial stability of the country's banking system are highlighted as priorities directions of development of the banking system of the country[8].

Ensuring the financial stability of commercial banks in Uzbekistan is an important issue. To this end, the strategy for reforming the country's banking system for 2020-2025 defines such tasks as "modernizing banking services, creating an efficient infrastructure for banks, improving the quality of the loan portfolio and risk management, and introducing technological solutions for assessing financial risks"[2].

*In fulfilling these tasks, the need was noted for implementing measures aimed at developing the banking system, such as increasing the profitability of commercial banks' assets, developing banks' operations with securities, improving risk assessment and management practices in the activities of commercial banks, and reducing the share of problem loans.*

*Today, the world is rapidly developing, new equipment and innovative technologies are being created. With this in mind, the bank sees the lending process as a key factor in attracting new customers, entering and occupying new sectors. The bank should take a place as a convenient lending platform for the real sector of the economy and all its customers[11].*

*At the same time, there are actual problems related to ensuring the financial stability of commercial banks of the Republic of Uzbekistan. In particular, low profitability of assets in commercial banks, low quality of banks' loan portfolios, increased amount of reserve allocations for loans are urgent problems in this regard.*

**Калим сўзлар.** тижорат банки, молиявий барқарорлик, кредит, соғ фойда, актив, кредитлардан кўрилган заараларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари.

**Keywords.** commercial banking, financial stability, credit, net profit, assets, reserve allocations intended to cover losses from loans.

**КИРИШ.** Жаҳонда молиявий барқарорликни таъминлаш банкларни молиявий воситачи сифатидаги ролини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Банклар молиявий ҳолатининг барқарорлигини таъминлаш уларнинг молия бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Бу мижозларнинг банк молиявий хизматларига талабарини тўлароқ қондириш имконини беради. Хусусан, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан «Deutsche Bankda (Германия) кредитлардан кўриладиган заараларни

қоплашга мүлжалланган захира ажратмалари миқдори 71,3 фоизга камайди, мазкур даврда, Bank of America (АҚШ) соф фойданинг брутто активларга нисбатан даражаси 0,4 фоизли пунктга ошди»[16]. Бу эса, тижорат банкларининг рентабеллиги, капитал етарлилиги, ликвидлилик меъёрини бажариш ва кредитлар бўйича яратилаётган захира миқдорини камайтириш орқали тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг йўлларини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради.

**Материал ва метод.** Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар О.Лаврушин, Э.Долан, К.Барлтроп, В.Усоскин, И.Юдина, В.Дорофеев, С.Кумок, Н.Куницина, Д.МакНотон ва бошқаларнинг, Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан эса Ш.Абдуллаева, А.Абдуллаев, О.Саттаров, Б.Бердияров, Ё.Маҳмудалиева, Ф. Насриддинов, Р.Бозоров ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича ўрганилган.

Проф. И.Юдинанинг хulosасига ривожланаётган давлатларда тижорат банкларининг даромад базасининг ҳолати бевосита кредит риски даражасига боғлиқ бўлиб, миллий валютанинг қадрсизланиши натижасида хорижий валютада кредит олган мижозларни кредитни қайтара олмай қолишлари кредит риски даражасини ошиб кетишига [14,15].

С.Кумокнинг фикрига кўра, «хозирги даврда капиталнинг етарлилигини камайтириш ҳисобига капиталга тўғри келадиган фойда

меъёрини оширишнинг иложи йўқ. Қаттиқ рақобат ва кредит ресурсларининг қимматлиги капиталнинг активларга нисбатан оптималь даражасини таъминлашга тўсқинлик қиласи. Шу сабабли, капиталга тўғри келадиган фойда меъёрини оширишнинг бош захираси бўлиб, активларнинг қайтими даражасини ошириш ҳисобланади»[6].

Ш.Абдуллаева «тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискини бошқаришни такомиллаштириш йўли билан кредит портфелининг сифатини ошириш мумкин»[4] деб ҳисоблади.

Ўзбекистонлик тадқиқотчи Р.Бозоров фалсафа доктори диссертациясида «тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашни хориж тажрибаси ва республика банклари мисолида факат учта кўрсаткич орқали – активларнинг рентабеллиги, капиталнинг рентабеллиги ва кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захираси кўрсаткичлари орқали баҳолаган»[5].

Европа давлатларининг банкларида стресс-тестлашда якка кредит олувчиларнинг ёки бир турдаги кредит олувчиларнинг банкротликка учраш рискини ҳисобга олиш усуслари кенг кўлланилади. Ушбу усуслини республика банк амалиётида қўллаш жуда қийин. Чунки, бунда тижорат банкларининг ҳар бир мижози бўйича кредит тарихи маълумотлари сўнгги 10-15 йил учун олиниши керак. Ўзбекистон банкларида эса, мижозларнинг бундай узоқ муддатли кредит тарихи мавжуд эмас.


Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий адабиётларда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш хусусида хилма-хил фикрлар мавжуд. Бир гурӯҳ иқтисодчи олимлар тижорат банкларининг ликвидлилигини юкори ликвидли қимматли қоғозлар ҳисобидан

таъминлашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Фикримизча, ушбу хулоса амалий аҳамиятга эга бўлиб, тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида кенг қўлланилмоқда. Шунингдек, иқтисодчи олимларнинг активларнинг даромадлилиги ва ликвидлилиги ўртасидаги оптимал нисбатни таъминлаш хусусидаги фикрига ҳам кўшиламиз.

**Натижалар.** Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки эксперtlарининг тавсиясига кўра, «тижорат банклари ялпи даромадларининг умумий ҳажмида фоизли даромадларнинг салмоғи камида 70 фоиз бўлиши керак»[12,7]. Ушбу тавсиядан келиб чиқган ҳолда ҳамда тиҷорат банклари молиявий

барқарорлигини таъминлаш учун тиҷорат банклари активлари рентабеллигининг юқори ва барқарор даражасини таъминлашда бир соҳа (тармоқ) йўналтирилган активлар 30 фоиздан оширмаслик ва фоизли даромадлар миқдори жами даромадларнинг 70 фоизидан кам бўлмаслигини таъминлаш зарур.

Бу банкларнинг стрессли вазиятларга чидамлилигини кучайтиришдан ташқари, Ўзбекистон банкларининг кредит рейтингларини ошириш ва халқаро молиявий муносабатларнинг тўлақонли иштирокчиси бўлиш имконини беради[10].



1-расм. Республика тиҷорат банкларида бир тармоққа йўналтирилган кредитларнинг жами активлардаги улуши, фоизда[17]

1-расмдан кўриниб турибдики, Республика тиҷорат банкларида бир тармоққа йўналтирилган кредитларнинг жами активлардаги улуши 2021 йил 1 август ҳолатига саноат соҳасида 27,2 фоизни, қишлоқ хўжалиги соҳасида 8,0 фоизни, қурилиш соҳасида 2,3 фоизни, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 6,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 август ҳолатига саноат соҳасида 23,6 фоизни, қишлоқ хўжалиги соҳасида 6,9

фоизни, қурилиш соҳасида 1,8 фоизни, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5,5 фоизни ташкил этган. Юқоридаги соҳалардан фақатгина саноат соҳасига йўналтирилган кредитларнинг жами активлардаги улуши биз таклиф қилаётган нормага яқин эканлиги, қолган соҳалар эса анчагина паст эканлиги ушбу норма бажарилиши юзасидан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Кредитлардан кўриладиган заарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг ортиши соф фойда миқдорини камайишида муҳим ўрин тутади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, кредитлар тижорат банклари активларининг ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди; иккинчидан, республика тижорат банкларида кредитлар бўйича муддати

ўтган қарздорликнинг миқдори катта. Бу эса, таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашишига олиб келади. Шунинг учун ҳам тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун тижорат банклари кредит портфелининг сифатини оширишда кредитлар бўйича шакллантирилган захиралар миқдори жами активларнинг бир фоизидан оширмаслик лозим.

### 1-жадвал


#### 2022 йил 1 сентябр ҳолатига Республика тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL), млрд. сўмда[17]

№	Банк номи	Кредит портфель	Муаммоли кредитлар (NPL)	Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуси
<b>Жами</b>		<b>346 390</b>	<b>16 936</b>	<b>4.9%</b>
<b>Давлат улуси мавжуд банклар</b>		<b>290 614</b>	<b>14 568</b>	<b>5.0%</b>
1	Ўзмиллийбанк	79 656	3 187	4.0%
2	Ўзсаноатқурилишбанк	43 370	1 575	3.6%
3	Асака банк	35 643	1 714	4.8%
4	Агробанк	34 342	1 555	4.5%
5	Ипотека банк	30 486	895	2.9%
6	Халқ банки	19 569	3 435	17.6%
7	Қишлоқ қурилиш банк	18 902	917	4.9%
8	Микрокредитбанк	11 551	680	5.9%
9	Турон банк	8 954	343	3.8%
10	Алоқа банк	8 059	251	3.1%
11	Пойтахт банк	66	1	1.2%
12	Ўзагроэкспортбанк	16	15	93.6%
<b>Бошқа банклар</b>		<b>55 775</b>	<b>2 368</b>	<b>4.2%</b>
13	Капитал банк	11 707	221	1.9%
14	Ҳамкор банк	10 310	100	1.0%
15	Ипак йўли банк	7 395	252	3.4%
16	Ориент Финанс банк	4 597	70	1.5%
17	Инвест Финанс банк	4 045	79	2.0%
18	Траст банк	3 343	103	3.1%
19	Давр банк	2 487	33	1.3%
20	Азия Альянс банк	2 109	141	6.7%
21	ЎзКДБ банк	1 918	0.0	0.0%
22	Тенге банк	1 751	150	8.5%
23	Анор банк	1 309	31	2.3%
24	Гарант банк	998	103	10.3%
25	Зираат банк	921	38	4.2%
26	Универсал банк	772	36	4.6%
27	Тибиси банк	744	22	2.9%
28	Туркистон банк	652	616	94.5%

29	Равнақ банк	425	241	56.7%
30	Мадад инвест банк	153	22	14.2%
31	Хай-Тек банк	119	111	93.2%
32	Эрон Содерот банк	20	0.1	0.4%
33	Апельсин банк	0.0	0.0	0.0%

1-жадвалдан кўриш мумкинки, 2022 йил 1 сентябр ҳолатига муаммолари кредитлари, яъни НПЛ кўрсаткичи юқори бўлган банкларда- Ўзагроэкспортбанкда

94,9 фоизни, Туркистон банкда 94,8 фоизни, Хай-Тек банкда 93,4 фоизни, Равнақ банкда 58,5 фоизни ва Халқ банкида 17,3 фоизни ташкил этган.



2-расм. АТ «Туронбанк»да кредитлар бўйича захираларнинг кредитлардан олинган фоизли даромадларга нисбатан даражаси[18]

2-расмдан маълум бўлдики, АТ «Туронбанк»да кредитлар бўйича захираларнинг кредитлардан олинган фоизли даромадларга нисбатан даражаси 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 10,3 фоизли пунктга ошган.

АТ Туронбанкда кредитлар бўйича захиралар миқдори 2021 йилда 2020 йилга нисбатан кескин ошганлигининг сабаби таснифланган кредитлар таркибини ёмонлашганлиги билан, яъни таснифланган кредитлар таркибида субстандарт ва қониқарсиз кредитлар миқдорининг ошганлигини билдиради.

Бу эса, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасида салбий ҳолат ҳисобланади.

**Мунозара.** Тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида кредитлар юқори салмоқни эгаллаганлиги сабабли кредитлардан кўрилган зарарлар миқдорининг ўсиши банкларда соф фойданинг камайишига олиб келади. Шу сабабли, Халқаро тикланиш ва тараккиёт банки мутахассислари ишлаб чиқиб тақдим этган методикасига кўра, банкларда берилган ссудалардан юзага келган

салбий оқибатларни бартараф этишга йўналтирилган захира ажратмалари кўрсаткичининг энг юқори меъёрий даражаси 1,0 фоизни ташкил этади.

Фикримизча, кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари бўйича меъёрий чеклов пруденциал назорат тизимида киритилиши керак. Аммо бунда банк томонидан ҳақиқатда яратилган захира суммаси эмас, балки кредитларни тўғри таснифлаш натижасида яратилиши лозим бўлган захира ажратмалари ҳисобга олиниши лозим.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида мамлакат банк тизимида хусусий секторнинг улушини кейинги беш йилда 60 фоизга етказиш вазифаси қўйилди[1]. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикамизда макроиктисодий кўрсаткичларни барқарорлигини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг белгиланганлиги тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, кредитларнинг даромадлилиги бевосита кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасига боғлиқ. Ўз навбатида, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси эса, таснифланган кредитларнинг таркибига боғлиқ.

«Таснифланган кредитларнинг беш тоифаси бўйича ҳам захира ажратмалари шакллантириладиган бўлди:

стандарт кредитлар – 1 %;  
субстандарт кредитлар – 10 %;  
қониқарсиз кредитлар – 25 %;  
шубҳали кредитлар – 50 %;

умидсиз кредитлар – 100 %»[3].

Халқаро банк амалиётида захира ажратмалари миқдори брутто активларга нисбатан 1,0 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

Мазкур кўрсаткичининг меъёрий даражасига эришиш муддати ўтган кредитларнинг меъёрий даражаларини таъминлаш заруриятини юзага келтиради. Халқаро банк амалиётида муддати ўтган кредитларга нисбатан икки кўрсаткич қўлланилади:

1. Муддати ўтган кредитларнинг мўътадил даражаси.

Ушбу кўрсаткич муддати ўтган кредитлар суммасини брутто кредитлар суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Агар унинг ҳақиқатдаги даражаси 3 фоиздан ошмаса, у ҳолда, ушбу тижорат банкида муддати ўтган кредитларнинг даражаси мўътадил ҳисобланади.

2. Муддати ўтган кредитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси.

Ушбу кўрсаткич ҳам муддати ўтган кредитлар суммасини брутто кредитлар суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Унинг меъёрий даражаси 5% қилиб белгиланган. Агар тижорат банкида мазкур кўрсаткичининг амалдаги даражаси 5 фоиздан ошса, у ҳолда, ушбу банк кредит портфелининг сифати жиддий ёмонлашаётганлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Шунинг учун ҳам Германия ва Франция тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 5 фоизга этиши билан унинг 2,0-2,5 фоизи балансдан чиқарилади.

Лекин, шу ўринда қайд этиш жоизки, тижорат банкларида муддати ўтган кредитлар тўғрисидаги маълумотлар ҳақоний бўлиши керак.

Айрим банклар муддати ўтган кредитларни «Муддати ўтган кредитлар» ҳисобрақамида ҳисобга олмайди. Натижада маълумотларнинг ишончлилигига птур етади.

Муддати ўтган кредитлар миқдорининг катта эканлиги банкларнинг тўловуга лаёқатлилигига ҳамда жалб қилинган маблағлари базасининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Муддати ўтган кредитлар миқдори кўпайиб кетмаслиги учун тижорат банклари кутилаётган кредит йўқотишлари бўйича кўпроқ маълумот берувчи чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган кредитлар бўйича йўқотишлар учун захира яратишнинг янада мустаҳкам моделини ишлаб чиқишилари керак[9].

Инновацион ривожланишининг энг муҳим йўналишларидан бири инновацион ечимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, инновацияларни аутсорсинг қилиш ва ҳамкорликнинг бошқа шаклларида ИТ компаниялар билан ҳамкорликни ташкил этиш ҳисобланади. Фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотларни тўплайдиган, уларни кредитга лаёқатлилигини, тўлов қобилиятини баҳолаш учун тақдим этувчи компаниялар тижорат банкларининг муҳим ҳамкорига айланмоқда[13].

Бундай ҳамкорлик шартномалари ҳар бир тижорат банки томонидан мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашни замонавий инновацион ахборот технологияларга асосланган тизимларини амалиётга жорий қилиб бориш орқали муаммоли кредитларни камайтириш натижасида кредитлар учун захира миқдорининг камайишига хизмат қиласди.

**Хуноса.** Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган қуйидаги таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Тижорат банкларида активлар рентабеллиги кўрсаткичининг юқори ва барқарор даражасини таъминлаш орқали банкларнинг молиявий барқарорлик даражасини таъминлаш учун, биринчидан, бир соҳага (тармоқча) йўналтирилган активларни 30 фоиздан оширмаслик ва фоизли даромадлар миқдори жами даромадларнинг 70 фоизидан кам бўлмаслиги лозим; иккинчидан, оддий акцияларга қилинган инвестициялардан олинувчи дивидендер миқдорини ошириш ва валюта операцияларидан қўрилувчи заарлар миқдорини камайтириш йўли билан соғ фоизсиз даромадлар миқдорини ошириш керак; учинчидан, соғ фойда ҳажмининг ошиш суръати билан банк активлари ўртача суммасининг ортиш суръати ўртасидаги мутаносиблигни таъминлаш зарур.

2. Тижорат банклари кредит портфели сифатини ошириш орқали банкларнинг молиявий барқарорлик даражасини ошириш учун, биринчидан, кредитлар бўйича шакллантирилган захиралар миқдори жами активларни бир фоизидан оширмаслик лозим; иккинчидан, юридик шахс макомига эга мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини молиявий коэффициентлар ёрдамида баҳолашни такомиллаштириш орқали кредит риски даражасини пасайтириш керак.

3. Мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашни замонавий инновацион ахборот технологияларга асосланган тизимларини



такомиллаштириш орқали соф фоизли даромадлар миқдорини ошириш зарур.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида/[www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”ти фармони//Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 14 июлда 2696-сонли «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномаси. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
4. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. Авторефер. – Тошкент, 2000.- 46 б.
5. Бозоров Р.Х. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашни такомиллаштириш. иқ. ф.б.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. Б. -9-10.
6. Кумок С.И. Анализ деятельности коммерческих банков. – М. : Вече, 1996. – С. 153.
7. Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся стран. Пер. с англ. – Вашингтон: ИЭР, 1994.
8. Тогаев, С. С. (2021). Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар. *Development issues of innovative economy in the agricultural sector*, 142.
9. P. Gao et al. Loan loss provisions and return predictability: A dynamic perspective. / China Journal of Accounting Research 15 (2022) 100224. <https://doi.org/10.1016/j.cjar.2022.100224>
10. Тогаев, С. С., & Амиров, Э. Д. (2016). Основные рекомендации внедрения международных стандартов Базель III в мире и особенности внедрения их в узбекистане. *World science*, 3(3 (7)), 56-61.
11. Rustamov, M. (2021). Кредитлар ўсишининг муаммолари ва истиқболлари. *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, (6), 10-24.
12. Togayev, S. (2022). Зарубежный опыт и его практическое значение для финансовой устойчивости коммерческих банков. *Экономика и образование*, 23(1), 40-45.
13. Ходжимамедов, А. (2022). Банк тизимини инновацион ривожлантириш йўналишлари. *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар*, 10(4), 1-9.
14. Ibodullayevich, B. T., & Sobirovich, T. S. (2022). Tijorat banklarining moliyaviy barqarorligini ta'minlashning metodologik asoslari. *Current Issues of Bio Economics and Digitalization in the Sustainable Development of Regions*, 152-159.



15. Юдина И.Н. Банковская система в развивающихся экономиках: опыт становления, развития и кризисов. Монография. – М.: ИНФРА-М, 2013. – С. 230-231.
16. Consolidated Statement of income 2021. [www.db.com.;](http://www.db.com.) Consolidated Balance Sheet. Consolidated Statement of income 2021. [www.bankofamerica.com/](http://www.bankofamerica.com/)
17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
18. АТ Туронбанкнинг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси. [www.turonbank.uz.](http://www.turonbank.uz)